



Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Улар (яъни, саҳобалар) бир бирлари билан учрашганларида қўл бериб кўришар эдилар. Агар сафардан қайтсалар, қучоқлашиб кўришардилар”. Тобароний ривояти

Шунга кўра оддий ҳолатларда кўришганда қўл бериб кўришишнинг ўзи билан чекланган маъқул ва тўғрироғи ҳам шудир. Чунки ҳар кўришганда қайта-қайта қучоқлашиб кўришавериш қийинчилик туғдиради ва малолланишга сабаб бўлади. Динимизда қуйидаги оятга биноан қийинчилик кўтарилган:

... حَرِّحْ مَنْ يَدُلُّ يَوْمَ كُنِيَ لَعَلَّ عَجَامٌ و...

... Ва динда сизларга бирор ҳараж (қийинчилик) қилмади. (Ҳаж;78)

Қучоқлашиб кўришишга рухсат берилган ўринларда уламоларимиз иккала эркакнинг ҳам устида кийим бўлиши лозимлигини қайдлаганлар.

Урфга айланиб улгурган бундай кўришишдан воз кечиш осон бўлмайди. Бунда мулойимлик ва ҳикмат билан йўл тутмоқ лозимдир. Агар бун бирданига тўхтатилса, қалбнинг жароҳатланиши ёки қариндош уруғлар ўртасида силаи раҳмнинг узилиб кетишига сабаб бўлса, бунинг зарари қучоқлашиб кўришишнинг зараридан каттароқ бўлгани учун аввал катта зарар даф қилинади. Имконини қилиб, мавридини топиб, набавий суннатга эргашиб қанчалик аҳамиятли ва фойдали экани тушунтириб борилса, иншаа Аллоҳ секин-аста тўғирланиб боради.

Аммо номаҳрам эркак ва аёлнинг бир бирлари билан қучоқлашиб ёки юздан ўпиб кўришишлари ҳаром эканига уламолар иттифоқ қилганлар. Айниқса, ўзларини “маданиятли” деб ҳисоблайдиган баъзи хонадонларда қайнота ва келиннинг ёки қайнона ва куёвнинг қўл бериб, қучоқлаб ёки ўпиб кўришишлари айрим ҳолатларда келин билан куёвнинг никоҳини бутунлай, қайта тиклаб бўлмайдиган даражада бузилиб кетишига сабаб бўлишидан огоҳлантирамиз. Чунки агар қайнота келинини қасддан ё хато қилиб бўлсин, тўсиқ билан (баданнинг ҳарорати сезиладиган даражада) ёки тўсиқсиз бўлсин, шаҳват билан ушлайдиган бўлса, ўғлига келини ҳаром бўлади.

Аллоҳ таоло барчамизга Ўзининг каломи ҳамда ҳабибининг суннатини тўғри англашни ва унга амал қилишни муваффақ қилсин!

Қудратуллоқ Сидиқметов